
Данғара тумани спорт мактаби шуғулланувчиси Азимжонов Санжарбек Анваржон ўғли 1 рақамли спортчи деб топилди.

Жорий йилнинг 10-14-октябр кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган қўл жанги бўйича “Ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати” ўз ниҳоясига етди.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, умумий ҳисобда

3-ўринни Қирғизистон,

2-ўринни Қозоғистон ва мутлоқ

Биринчиликни Ўзбекистон жамоаси қўлга киритди.

Ушбу мусобақада Данғара тумани спорт мактаби шуғулланувчиси Азимжонов Санжарбек Анваржон ўғли иштирок этиб 16 ёшлилар ўртасида 1 рақамли спортчи деб топилди.

Данғара тумани 2-сонли умумтаълим мактабида Азимжонов Санжарбек тантанали кутиб олинди. Тадбирда иштирок этганлар Азимжонов Санжарбекга келажакдаги ишларида мувоффақиятларга эришишига тилак билдирдилар.

2024-10-16 17:29:54